

Д 40

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

қўлёзма ҳуқуқида
УДК 809.153.4
А-87


АТАХОДЖАЕВ АЗИМХЎЖА МУЗАФАРОВИЧ

СУҒД ТИЛИДА ОЛМОШ ТУРКУМИ

10.02.22- Осиё, Африка халқлари, Аме-
рика ва Австралия туб халқлари тиллари

Филология фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ



Тадқиқот ЎзР ФА Қўлёзмалар институти «Қадимги ёзма ёдгорликларни ўрганиш» бўлимида бажарилган.

- Илмий раҳбар: - тарих фанлари доктори М. Исҳоқов.
- Расмий оппонентлар: - филология фанлари доктори, академик, профессор Ш. Шоабдурахмонов.
- филология фанлари номзоди, доцент Э.Сатцаев
- Етакчи илмий муассаса: ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти

Ҳимоя 1999 йил « 10 » июн соат « 11 » да Тошкент давлат Шарқшунослик институти ҳузуридаги Д.К. 067.70.02 рақамли Ихтисослашган илмий кенгаш йиғилишида ўтказилади /700060 Тошкент шаҳри, Лоҳутий кўчаси, 25-уй/.

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институти Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (700060 Тошкент шаҳри, Лоҳутий кўчаси, 25-уй)

Автореферат 1999 йил « 8 » май да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш котиби
филология фанлари доктори



Р. Ходжаева

Ишнинг умумий тавсифи

Мавзунинг долзарблиги. «Мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, қадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиш ортиб бормоқда».¹ Чиндан ҳам, истиқлол туфайли қадимий аجدодларимизнинг тарихи, маданияти, маънавияти, тили тараққиётини ўрганишга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Гап шундаки, ўзлгимизни англаш, халқимизда соғлом тарихий тафаккур туйғусини яратиш, жаҳон цивилизациясига қўшилган беқиёс ҳиссамизни тўғри идрок этиш ва фахрланиш ҳиссасини тарбиялаш вазифалари тадқиқотчилар олдига улкан масъулият қўймоқда.

Ўзбек халқи тарихи минг йиллар давомида Туронзаминда кечган бир бутун яхлит тарихдир. Ана шу узоқ ўтмиш давомида ўтроқ деҳқончилик маданияти заминидан туркийзабон аждодларимиз мураккаб ижтимоий ҳамда этник тараққиёт йўлини босиб ўтганлар. Улар тубжой (автохтон) етакчи этнос сифатида қадимдаёқ ёнма-ён ва бирга яшаб келган суғдий, хоразмий, бохтарий ва бошқа халқларни ўз таркибларига сингдириб келганлар. Бугунги кунда энг қадимги этник жараёнларни ва уларнинг натижаси бўлиб ўзбек халқининг уюшуви масалаларини ушбу жараённинг таркибий қисмларини ўрганмасдан туриб, тўғри тушуниш қийиндир. Жумладан, ўзбек халқи таркибига ассимиляция бўлиб қўшилиб кетган ва X-XI асарларда тарихан этнос сифатида йўқ бўлган суғд халқининг тарихини илмий асосли тарзда ўрганиш ҳам муҳим масаладир.² Бу муаммонинг бир неча қирралари бор. Аввало, булар қадимият ва илк ўрта асарларга оид ёзма тарихий, адабий ва тил манбаларини синчиклаб ўрганишдир. Шу маънода суғд ёзма ёдгорликлари мазмун доирасининг кенглиги, жанр хилма-хиллиги, ижтимоий йўналишларининг ранг-баранглиги билан алоҳида ўрин тутати.

Суғд тилига оид тадқиқотлар XX асрнинг биринчи ўн йиллигида бошланган.³ Асримиз давомида суғд тилшунослиги бўйича ўнлаб йирик тадқиқотлар, юзлаб мақолалар ёзилган. Ҳозиргача маълум суғд қўлёзмалари, тош битикларининг асосий кўпчилиги нашр этилган. Шунга қарамай суғд тилининг мукамал таҳлилий граматики яратилган эмас. Айниқса, суғд тили морфологияси ва синтаксисининг муаммолари, айрим тадқиқотларни ҳисобга олганда, махсус мавзули тадқиқотлар доирасига тортилмаган.⁴

Ҳозиргача суғд тилшунослигида тўпланган далилий маълумотлар бу муаммога айрим йўналишлар бўйича чуқур тадқиқотлар бағишлаш учун етарли замин бўла олади. Шунинг ҳисобга олиб, ушбу диссертацияда суғд тили олмош туркумини атрофлича таҳлил қилишни лозим топдик. Зеро, юқорида айтганимиздек суғд тили бўйича яратилган грамматик тадқиқотлар асосан тавсифий хусусиятга эга бўлиб, матн ва грамматик маъно қатламларини таҳлил қилмайди. Қолаверса, суғдшунослик олдига лексик, грамматик, тил услубий қатламлари бўйича кўплаб тадқиқотлар

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқи // Мулоқат.-Т., 1998.-№5.-Б. 1-16.

² Лившиц В.А., Хромов А.А. Согдийский язык // Среднеиранские языки.-М., 1981.-С.347-515.

³ Ўша асар 350-бет.

⁴ Қаранг. Диссертациянинг «Кириш» қисмига

долзарблигича қолмоқда. Бу эса биз бажарган ишнинг қай даражада долзарблигини белгилайди.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Ишнинг мақсади суғд ёзма ёдгорликлари матнларидан танланган юзлаб мисоллар асосида суғд тили олош туркумининг маъно турларини яхлит тизим сифатида таҳлил қилишдир. Бу тизимнинг таркибий унсурлари кишилиқ, кўрсатиш, сўроқ, ўзлик, белгилаш, гумон, бўлишсизлик олошлари тарзида жаҳон тилларига хос умумий қонуниятга мувофиқ келса-да, суғд тилининг ривожланиш тарихий ҳолати билан боғлиқ изоҳланувчи айрим олош маъноларини ифодалаган ўзига хос турларни таҳлил қилиш ҳам муҳимдир. Жумладан, шартли равишда «нисбат олошлари», «ўзлик-эғалиқ», «ўзлик аниқлик» каби тоифаларни айрим категориялар сифатида грамматик таҳлил қилиш ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Шулардан келиб чиқиб ишимиз олдига қуйидаги вазифаларни қўядик:

-суғд олошининг умумий ва хусусий маъно турларини белгилаш ва тасниф қилиш;

-олош маъно турлари доирасида морфологик таркибий таҳлилни амалга ошириш;

-олошларнинг келишиқ шакллари тизим сифатида ўрганиш;

-олошларнинг ёзувда акс этган тарихий орфографик кўриниши билан уларнинг амалдаги фонетик талаффузи ўртасидаги фарқланишларни изоҳлаш.

-олошлар таркибини авесто, қадимги эроний, ўрта ва янги давр эроний тиллари доирасида қиёсий таҳлил қилиб, суғд олошининг тараққиёт даражасини белгилаш;

-олошларда грамматик жинснинг амал қилиши қонуниятларини очиш;

-суғд олошининг бош шакллари ва уларнинг вариантларини акс эттирувчи лугат тузиш;

-олош туркумининг муқобил тизими бўлиш энклитик олош турларини таҳлил қилиш ва уларнинг тил воситаларини иқтисод қилиш (ифода ихчамлиги) нуқтаи назаридан баҳосини чиқариш.

Тадқиқотнинг таҳлил усуллари. Суғд ёзма ёдгорликларида мавжуд бўлган барча олош турларини қамраб олиб, тадқиқ ва таҳлил қилиш; уларнинг шаклий (суғд, будда, моний, христиан) жиҳатларини ёритиш; қадимги, ўрта ва янги давр эроний тиллари орқали тараққиёт босқичини белгилашда қиёсий-тарихий усулдан фойдаланиш.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйдагилардан иборат қилиб белгиланди:

- суғд тили олош туркуми биринчи бор монографик режа асосида морфологик ҳамда синтактик вазифалари жиҳатидан таҳлил қилинди.

- баъзи суғд қўлёзмалари ва ҳужжатларини ўрганиш жараёнида илгари аниқланмаган янги олош шакллари мавжудлиги аниқланди;

- биринчи марта суғд тили олоши маъно турларининг тугал таснифи ва таҳлили бажарилди;

- суғд олошининг равиш билан чегарадош ўзига хос нисбат ифодаловчи қатлами аниқланди;

- олошларнинг суғд буддавий, моний ва христиан ёзуви ёдгорликларидаги орфографик шакллари ва ҳақиқий фонетик, грамматик қиёфаси тадрижий равишда қиёсий ўрганилади;

- олошда келишиқ ва жинс категорияларининг амал қилиш қонуниятлари ўрганилди;

- олош туркумининг матн ва синтаксис муносабатлари илк бор тизим сифатида таҳлил қилинди;

- суғд ёзма ёдгорликларида олош туркумини қадимий, ўрта давр ва янги замон эроний тиллар олош тизимлари билан қиёсан ўрганиб чиқиш амалга оширилди;

- суғд олоши туркумининг турли ёдгорликлардаги асосий шакллари бўйича махсус лугат тузиб, ишга илова қилинди.

Тадқиқотнинг амалий ва назарий аҳамияти Мазкур тадқиқот эроншуносликда, жумладан суғдшуносликдаги бажарилиши зарур бўлган грамматик таҳлилнинг бир қисмидир. У бошқа ўртанча эроний тилларни ўрганиш, қолаверса суғд тилидаги сўз туркумлари грамматик таҳлилининг янада давом эттириш учун бир босқич саналади. Ишимизнинг натижасидан университетлар, педагогика институтлари филология факультетларида, Шарқшунослик олий мактабида эрон тиллари тарихини ўқитишда фойдаланиш фавқуллода самара беради деган ниятда-миз. Бундан ташқари олош туркумининг монографик таҳлили суғд тили морфологиясининг бошқа туркум бўлимларини яратишда тажриба аҳамиятини касб этади.

Тадқиқот манбалари сифатида асосан ёғочга, чармга, қоғозга битилган қўлёзмалар, тош битиклардаги номалар олинди. Уларнинг на-шрлари ҳақида юқорида маълумот берилган туфайли бу ерда батафсил такрорламаймиз. Лекин энг асосий манбалар сифатида қуйидагиларни айтиб ўтиш ўринли-дир: «Кўҳна хатлар»;¹ Бугут ёдномаси,² TSP,³ SCE-M,⁴ BSTBL,⁵ СДГМ I, II, III⁶ ва бошқалар.

Тадқиқот методлари. Тадқиқотни олиб боришда қиёсий тарихий тилшунослик, эрон тилшунослиги, суғдшунослик соҳаларида яратилган улкан тажрибадан фойдаландик. Фактологик материалнинг объектив баҳосини чиқариш тамойилини етакчи билган ҳолда иш олиб бордик. Суғдшуносликда Р. Готье, Э. Бенвенист, В.В. Хеннинг, И. Гершевич, Д.М. Маккензи, М. Швартс, В.А. Лившиц, М. Исҳоқовлар яратган тавсифий ва таҳлилий грамматика услубларидан унумли фойдаландик.

Тадқиқотнинг объекти сифатида XX аср бошларида Турфон воҳасидан топилган диний, фалсафий, ахлоқий мазмундаги

¹ Reichelt H. Soghdisches, III//ZII.-1929.-Bd. 7.

² Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута. // Страны и народы Востока.-М., 1971. Вып.10.-С.121-146.

³ Benveniste E. Textes Sogdiens. Paris, 1940/-242p.

⁴ MacKenzie D.N. Christian Sogdian notes // BSOAS.-1970. V.33.-P.11-14.

⁵ MacKenzie D.N. The Buddhist Sogdian texts of the British Library. Teheran-Liege, 1976.-570p.

⁶ Согдийские документы с горы Мут. Вып. 1: Фрейман А.А. Описание, публикации и исследование документов с горы Мут.-М.: Наука, 1962.-90 с.; Вып. 2.-1962.-222с.; Вып. 3.-1963.-133с.

ёдгорликлар, Муг тоғи комплекс ҳужжатлари, нумизматик, тош битик манбалар олинди.

Тадқиқотнинг маъқулланиши. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ҳамид Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институти илмий кенгаши мажлисида 1991 йилнинг 18 мартида маъқулланган ва тасдиқланган.

Диссертация муҳокамаси. Ўзбекистон Республикаси ФА Ҳамид Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институти (1997 йил 8 июль) да Тошкент давлат Шарқишунослик институти қошидаги ихтисослашган семинар кенгаши йиғилиши (1998 йил 16 июнь)да, Тошкент Давлат Педагогика Университети қошида тузилган илмий семинар йиғилиши (1998 йил 16 декабрь) да муҳокама қилинди ва ҳимояга тавсия этилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот натижалари бўйича 2 та илмий мақола ва «Сугд ёзма ёдгорликларида олмош туркуми» номли 2 босма табоқдан иборат рисола нашр этилди.

Диссертация мавзуси асосида Ўзбекистон Фанлар академияси Ҳ.Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтидаги ва Тарих институтидаги илмий мажлисларда (1992-1999) ва Ўрта Осиё халқлари ёзув маданияти тарихига бағишланган халқаро илмий анжуманда маърузалар қилинган (1995).

Тадқиқотнинг тузилиши: Диссертация ишнинг умумий тавсифи, кириш, 2 бобдан иборат асосий қисм, хулоса, илова; фойдаланган адабиётлар ва манбалар рўйхатидан иборат.

Тадқиқотнинг асосий мазмуни

Кириш қисмида сугд тилига оид тадқиқотлар, уларнинг ўрганилиш даражаси ва манбалари ҳусусида фикр юритилади.

Республикамызда истиқлол туфайли қадимий маънавиятимиз илмизларини чуқур идрок этишга интилиш ҳақли равишда кучайди. ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июль «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида: «энг қадимдан ҳозирга қадар давлатчилик тарихий босқичларида ҳудудимизда яшаган халқларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаёти масаларини ўрганиш, ҳолисон тадқиқотлар натижалари асосида илмий, илмий-оммабоб асрлар... яратил...»¹ илм аҳли олдига муқом вазифаларни қўйди. Бу эса омма кўзидан яширин қолиб келган авесто, сугд, хоразмий, бохтарий, қадимги туркий ёзма ёдгорликларимизнинг янада кенг ўрганишни тақозо қилади. Шундай буюк меросларимиз қаторида сугд ёзма ёдгорликлари алоҳида ўрин тутаяди.

Сугд ёзма ёдгорликлари фан учун 1904 йили кашф этилган.² Араб истилоси ва исломга қадар бой маънавиятимизнинг катта бўлагини, қадимий туркий битиклар билан бир қаторда, сугд тилида яратилган матнлар ташкил этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори: «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»// Халқ сўзи.-1998.-28 июль.

² Основы иранского языковедения. Среднеиранские языки.-М. 1981.-544с.

Сугд тили милoddан аввалги III-II асрлардан бошлаб то ислом давритача халқаро савдо - иқтисодий ва маданий алоқалар тили бўлиб хизмат қилган. IX-XI асрлар давомида сугд тили туркий ҳамда тожик тиллар орасида ассимиляцияга учраб «ўлик» тилга айланган. Унинг бир лаҳжаси (икки шевани ўзида бирлаштирган) яғноб тилида сақланган, ҳалос. Шу туфайли сугд матнларининг тили фақат қиёсий тарихий асосида ўрганиб келинмоқда.

Сугд матнларининг йирик мажмуалари Париж, Лондон, Ст. Петербург, Хельсинки ва бошқа шаҳарларда сақланмоқда. Улар 1904 - 1916 йиллар давомида инглиз, француз, рус, фин экспедициялари томонидан Шарқий Туркистон ҳудудларида, қадимда у ерларда бўлган сугд савдо - тижорат кишлоқлари харобаларидан топишган.

Сугд тили грамматикаси ўрганиш 1907 йилдан бошланган. Ҳозиргача сугд тилшунослиги библиографияси юзлаб тадқиқотларни ташкил этади. Улар орасида мукаммал тавсифий грамматикалар ҳам бор.

1907-1913 йилларда К.Г. Залеман моний динига оид сугд матнлари грамматикасига тааллуқли ишлар туркумини эълон қилди.¹ Шу вақтда Париж қўлёзмалар мажмуи асосида Р. Готъонинг изланишлари дастлабки илмий нашрлар ҳамда сугд тили фонетикаси масалаларини ўз ичига олган китоби юзага келди.² Э.Бенвенист 1 - жаҳон уруши қурбони бўлган Р. Готъо ишини давом эттирди. 1928 йили сугд грамматикасининг морфология ва синтаксисига бағишланган китоб юзага келди.³ 1920 йил охири ва 1930 йилларда Г. Райхельт,⁴ Ф.В.К. Мюллер ва Ленц,⁵ В.Б. Хеннинг⁶ каби олимлар сугд тилининг назарий келди. 1940 йиллар Париждаги сугд матнларининг тўлиқ факсимил наشري, француз тилига таржимаси ва изоҳлари эълон қилинди.⁷ Бу нашр грамматик тадқиқотларнинг янги босқичини бошлаб берди. И. Гершевич яратган тавсифий грамматикаси сугдшунослиқда тенги йўқ иш бўлди.⁸

1961-1963 йилларда Муг тоғи сугд ҳужжатлари мажмуи каби ўта муҳим ва ноёб манба нашр қилинди.⁹ Уч қисмдан иборат бу туркумда сугд грамматикаси, хусусан, олмош туркуми юзасидан қимматли мулоҳазалар тўпланган. 1968 йили Мартин Швартц томонидан докторлик

¹ Saleman C. Manihaeica 1// Изв. Имш. АН (СПб), 1907, 6 сеп., №7. P 14-15.

² Benveniste E. Essai de grammaire Sogdienne. 1. Phonétique. Paris, 1914-1923. (Mission Pel-liot en Asie Centrale. Ser. petit in octavo, t. 1).

³ Benveniste E. Essai de Grammaire Sogdienne. Pt.2. Morphologie, syntaxe, glossaire.- Paris.- 1929.-182p.

⁴ Riechelt H. Die soghdischen Handschriftenreste des Britischen Museums, 11. Heidelberg, 1931.-340p.

⁵ Muller F.W.K., Lentz W. Soghdische Texte, 11.//SWAP, 1934, t.21.-242p.

⁶ Henning W.B. Ein manichäische Bet-und Beichtbuch. Berlin, 1937.-136p.

⁷ Benveniste E. Vessantara Jataka. Text sogdien ed., trad. et com. Paris, 1946.-290p.

⁸ Gershevitch I. A grammar of Manichean Sogdian. Oxford, 1954.-232p.

⁹ Согдийские документы с горы Муг. Вып. 1: Фрейман А.А. Описание, публикации и исследование документов с горы Муг; Вып. II: Юридические документы и письма. Чтение, перевод и комментарии В.А. Лившица; Вып. III: Хозяйственные документы. Чтение, перевод и комментарии М.Н. Боголюбова и О.И. Смирновой. М., 1961-1963. (III китоба М.Н. Боголюбов тузган грамматик шакллар реестри ҳам муҳимир.)

диссертацияси сифатида ёқланган иш христиан суғд матнлари грамматикасини янада такомиллаштиришда катта аҳамиятга бўлди.¹

1970-1980 йиллар давомида бир неча илмий марказларда суғд тили тавсифий ва аналитик грамматикаси юзасидан муҳим фундаментал ишлар пайдо бўлди. Буларнинг бир гуруҳи матнларнинг янги нашрлари билан боғлиқ,² Иккинчи қисми эса умумлаштирувчи ва проблем хусусиятли монографик талқиқотлар бўлди.³

Биринчи боб. Олмошнинг маъно турлари деб номланади.

«Кишилиқ олмошлари» бўлимда суғд тилида кишилиқ олмошлари мустақил ва энклитик шаклларга эгаллиги кўрсатиб ўтилган. Уларнинг ҳар бири «тор» маънода фақат шахс олмошларини ифодаласа, «кенг» маънода кишилиқ олмошлари бошқа олмошлар билан муносабати, фарқи, шахсга нисбатан қўлланиши, функционал жиҳатлари кўзда тутилган. Келиб чиқиш жиҳатидан кишилиқ ва кўрсатиш олмошлари бири-бирига боғлиқдир.

Кишилиқ олмошларининг 1- ва 2-шахси учинчи шахсга нисбатан ўзига хос хусусиятга эга. Учинчи шахс нафақат инсонга, балки нарса ва ходисаларга нисбатан ҳам қўлланилади. Чунки учинчи шахс объекти ўша суҳбат чоғида иштирок этмайди. 1-шахс «мен» - хусусий ва ягона мавжудиякка ишорадир.⁴ «Мен ва сен» нутқда реалдирлар. Кишилиқ олмошлари келишиқ муносабатлари доирасида бевосита ва билвосита (прямой и косвенный) шаклларда учраб, улар таркибий жиҳатдан бир неча кўринишга эга. Уларнинг шахс ва сон қўшимчаларини олган қатори қуйидагича:

	Бирлик	Кўплик
I	'zw/zw - мен	m'γ/m'x - биз
II	tγw/tw - сен	(') šm'x/šm'x - сиз
III	γw/xw, xww - у	γh/x' - улар

Бу шахс - соннинг бирлик ва кўпликдаги турланиши ўзига хос тарихий келиб чиқиш жараёнига эга: 'zw/zw (zw-azu) < қад эроний 'adm (adam), авесто azm (azam), қад. ҳинд aham, ўрта форсий 'az, парфиён 'z/az/, хўтан - шак aysu каби қўлланганлигини кузатамиз. Масалан: 'zw 'skys'r 'nytt 'zynitt w'cmk'm - «Мен юқорига бошқа чопарларни жўнатаман» (B 18, 7-8); ZK wh prim'nh L' ptywštwn wn'ntk'm - «Улар менинг фармонимга бўйсинадилар» (VJ. 1245-1246). 2-шахс бирликда tγw /taw/ ёки /taw/ билвосита келишиқда tw' /taw/, tuwa/? < қад эроний tava, авесто tvəm, vwa, tum(tu); қад. ҳинд tava шаклларида бориб

тақалади. Фақат монувий матнларда tw /taw/ ёки /tū/ шакли бўлиб /GMS '1349/, бу шакл бош келишиқдан ташқари будда матнларида ҳам бор - tw'. Намуналар: tγw 'cw pts'ynt'y - «Сен нимани макқуллайсан?» (VJ. 1146).

Бош келишиқдаги 1- ва 2-шахс олмошлари эгани ифодалашда қўлланилади, кўпликда эса келишиқ шаклларида эга бўлмай, морфологик универсал функциядошлиқ касб этади. Шунинг учун бош, қаратқич, тушум, ўрин каби келишиқ маънолари кўпинча морфологик кўрсаткичсиз ҳам қўлланиши мумкин. Бу вазият суғдшунослиқда флектив қадимиятдан аналитик янги тил даврига ўтиш жараёни билган изоҳланади.

3-шахс 'γw, γw, ZK, xw, xww олмоши /xo/, будда ва муг ҳужжатларида асосан ZY гетерографик шаклда келган. Бу олмош нафақат келиб чиқиши, балки вазифаси билан ҳам кўрсатишни, грамматик маъноси эса аниқликни ифода этган. Келиб чиқиши қад. эроний 'ha дан; муанас жинсдаги ZKh, γh < 'ha дан: 't x' pcbnt brt 't qw wyny s'r cw wyd't 't w'xš cw ptywšt't pcbnt cw vbrd't qw frūsty s'r - «Ва у кўзига нималар кўрингани, қандай хабар эшитгани, фариштага нима жавоб қилгани ҳақида сўзлаб берди» (ST II 3, 1-3).

Бу олмошларнинг ҳар учала шахслардаги билвосита келишиқ шаклларида келиб чиқиши: 1-шахс mn' /mana/ ва /man/ < қад. эр. mām, mna; авесто mana, mām шаклидир. Ўзбек тилидаги «менинг, менга, менда» олмошлари каби: ny qt'wn'ng' zw 'ys cn mn' - «Мен ўз хоҳишим билан ҳеч нарса ярата олмаيمان» (ST 1.63, 13-14); 2-шахс tw' /taw/ ёки /tuwa/? < қад. эроний tava, tvəm; авесто tava, vwa; қад. форс. tava; қад. ҳинд tava, tvam шаклидан. Ўзбек тилидаги «сенинг, сенга, сенда» каби маъноларни беради: tw' k'w 'sp's L' pr'yt β'm - «Мен сенинг ишончинга (диққат, ҳурматинга) кира олаяшман» (FR. II а 5); 3-шахс бирликдаги билвосита олмош шакли: монувий wny (мзк.ж.) ва wnyu (мнс.ж.); хр. wnyu (мзк.ж.) ва wny (мнс.ж.) - /wene/. Муанас жинсдаги wu' (wya) шакли келиб чиқиши қад. эроний 'avaуа дан деб тахмин қилинади. Ўзбек тилидаги «унинг, унга, унда, ундан» каби олмошлар мазмунини беради. wny, wnyu, wny, wny' ларнинг келиб чиқиши < қад. эроний 'avanae ва 'avaуа (?); авесто vaem /vayam/, ahma, hma /ahma/; қад. форс. vum /vayam/, amaxm /amaxam/ дандир: wny' prγw - «Уни шарафлади» (BBB f. 34-35).

Кишилиқ олмошларининг кўплик шакли қуйидаги манзарани касб этади: 1-шахс m'γw /max/, мн. ва хр. m'x /max/ < қад. эроний 'ahmaxam; авесто aḫmaxəm; қад. форсий amaxam; қад. ҳинд. asmakam шаклидан: rty m'γw w'nkww p'tc [γ]ny kwnykm'm - «Ва биз шундай жавоб берамиз» (T 1 а 23-24); 2-шахс кўпликда sm'γw, мон. 'sm'γw, 'smγ, 'šm'x, šm'x; хр. šm'x < қад. эрон. 'xšmaxam; авесто xšmakəm, xšmaka; қад. форс. ašma; қад. ҳинд yusmakam каби тараққиёт йўли кўзга ташланади: rty kš 'zw ZKw 'γδ 'kw βyt'n rty 'yw pynmstr sm'γw cnn snks't wγ's'n - «Ва агар мен орзуимга эришсам, у ҳолда сизларни Самсарадан дарров озод қиламан» (VJ. 383-384); 3-шахс кўпликдаги кишилиқ, кўрсатиш олмошлари уч хил намоён бўлади. Бу шакл аниқлик артикли вазифасини ҳам бажаради. Биринчи хили мнс.ж. ZK /ха/; хр. мзк.ж. x' /хā/. Билвосита келишиқда: wγšnw(h), wγšn - мнс.ж. асл суғд; мон.

¹ Schwartz M. Studies in the texts of the Christian Sogdians. / Doct. dis. Ann Arbor, University of Michigan, 1968-336p.

² McKenzie D.N. The «sutra of the causes and effects of actions» in Sogdian. London. 1970-244p.

³ Опыт историко-типологического исследования иранских языков. Т. 1-2. Под ред. В.С. Расторгуевой. М., 1975-426с.; Исаков М.М. Глагол в согдийском языке.-Т., 1977-240с.

⁴ Майтинская К.Е. Местонахождения в языках разных стран.-М.: Наука, 1969.-С.141-143

мзк.ж. *wuʃn* < қад. эр. *avaīsam*; ўртафорс *avaśan* шаклидан. Иккинчи хили бевосита келишиқ мзк.ж. *wuʃnd*, мнс.ж. *wuʃnd*; хр. мзк.ж. *wuʃnt*. Билвосита келишиқ, мон. *wuʃndyh* - мзк.ж.; билвосита келишиқ мон. *wuʃnd*; хр. *Muʃnd-mʃnd* шакллариға эға бўлиб **avaīsam* ва *imaīsam* шакллариға кўплиқ -t, -n, -d ларнинг қўшилиши орқали вужудға келган. Баъзан будд. ва хр. *śnt* (VJ. 23), хр. *śnt* (ST II 2, 19) шакллари ҳам учрайди; *HRZY ZKH* *βr'nt cnp* *BY'wt'w s'r ZKw p'm'n* - «Кейин улар шохдан буйруқ олиб келишди» (VJ. 1429). *ZKH* муаннас жинс бўлишиға қарамай гапда умумийлик «улар» мазмунини беради.

Суғда тилида чиқиш келишини ифодалашда 1-шахс бирлик олмоши ўзагиға /-fā/; 2-шахс бирликда /-mā/ қўшилган < қад. эр. **ma* ва **mat*, қад. форс. *haśama* лар орқали -ка суффикси ёрдамида вужудға келган. Қад. эр. **haśa* дан, суғдий /ča-/ сақланган: «Кўхна хатлар» *c'mk*, будд. *c'm'kh*, *c'm'*, муғ. *c'm'k*, *c'mk*, мон. ва хр. *c'm'* /čāmā/ (*ha*)čāmāka, хоразмий *čm(y)*. Ўзбекча «мендан», «мен томонидан» маъносида: *rtuʃw ms ky c'm'k ZY MN s'n'n kyt'n s'r* *'s't ZY pcy wny't* - «Агар уни кимдир менинг ўз (ўзимдан) ёки сирдан (туриб, бошқа восита билан) тортиб олса, уни таҳқирласа ...» (Nov. 4 г. 12-14). 2-шахсдаги *čāfā* < **čāfāka*. *(ha)sačāfāka* шаклидан ўсиб чиққан. Будд. *c'β'kh*, *c'β'k*, муғ. *c'β'k*, *c'β'k* - «сендан» чиқиш келишити маъносида: *rtu βy-rw ZY* (*'s*) *tw 'zw c'β'k wuʃmry-k' ZKw mrt'kw* (*'w*) *'[z]y-(p)[t]* - «Ва олдим мен сендан Вгаумариқдан, яъни тери ошлаш ҳовузининг бошигидан...» (B-3,6 - 8). /čāfā/ олмоши бошқа манбаларда учрамайди. /tā-/ префисси 1-шахсда /tāmā/ асл суғда, *t'm'h*, *t'm'* ва хр. *t'm'* - «менда, менга» маъноларида: *rtu c'nkw kw t'β'k s'r pwt'kw 'krtw δ'rt r'tms kw t'm'k s'r p'ymuʃ* *'δkw m'yū pwt'kw 'krtw δ'rt* - «Сенга Деваштит мактуб битган бир вақтнинг ўзида, менга ҳам ўша киши ёрдамида у худди шундай мактуб ёзган» (СДГМ 1. I, 5-6)¹ 2-шахс /tāfā/- «К.х.», *t'β'k*, будд. *t'β'k*, *t'β'*, муғ. *t'β'k*, *t'β'k*, мон. *t'f'* шаклида, хр. манбаларида учрамайди. «Сенга, сенга» маъносида: *ZKwh mrt'ymkt ZYkw 'nz'kh p'rcym k'm rtβy wty t'β'k s'r 'ysymk'm* - «Бу одамларни биз Анзақда (?) қолдирамиз, ўзимиз эса, жаноб сен томонга борамиз» (B-16, 8-9); /paṛā-/ префисси 1-шахсда /paṛāmā/- *pr'm'k* - «менинг ёнимга», «менинг учун» каби, 2-шахсда /paṛāfā/- муғ. *pr'β'k*; мон. *pr'f'h* ва хр. *pr'f'* шаклларида «сен томонга», «сен учун» маъноларида < қад. эр. **paṛā* + /a-/ *hada* дан: *γwn'kh s'ykn pr'β'kh n'* *'ystk'm* - «Бу ҳарбий қўмондон сенинг ёнинга етиб бормайди» (A-9. 7-8); /dā-/ -1-шахсда /dāmā/- муғ. *δ'm'k*, хр. *d'm'* - «мен билан» маъносида; 2-шахсда /dāfā/- хр. *d'f'* шаклида - «мен билан», «сен билан»: *rtms 'cw 'm'y c'ttyh d'm'k (pr'w)* *L' nm't m't kt'r ZY šw 'zw w'c'nk'm* - «Агар, Чата мен билан қолишга рози бўлмаса мен уни ўзим қўйиб юбораман» (Nov. 4 г. 15-16).

Юқоридаги таҳлил шуни кўрсатади-ки, суғда кишилиқ олмошлари қадимий эроний тиллар босқичининг давомидаги ўзақли туб олмошлардан то ўрта асрлардаги аналитик (олд қўшимчала, суффиксли ва б.) шаклларгача манзарани акс этган. Олмошнинг шахс маъно доирасида синкретик қоришиқ муносабати стилистик маъно товланишлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. «Улар», «у киши», «ўзлари» каби. Дунё тилла-

ридаги каби суғда тили кишилиқ олмошлари отнинг гапдаги алмашиб келган барча грамматик вазибаларини бажара олади.

Суғда тили кўрсатиш олмошлари икки жуфт олмош ўзаги асосига суянган сушплетив шаклларнинг қарама-қарши жуфтлигида намоён бўлади: /x-/ ва /w-/; /y-/ ва /m-/; 1) /x-/ < эр. **h(au)*; ав. *ha-*; *hva-*, *ho*; қад. форс. *ha*- шакллариға, /w-/ < эр. **ava*; ав. *ava-*; қад. форс. *ava*- шакллариға; 2) /y-/ < эр. **iy(am)*; қад. форс. *iyum* (*iyam*), /m-/ < эр. **ima-*; ав. *ima-*; қад. форс. *ima*- шакллариға бориб тақалади. Бу шаклларнинг баъзилари артиклаға ёки 3-шахс кишилиқ олмошиға бириккан. Кўрсатиш олмоши сифатида: -не (**na*ка дан), -nā (**-nākā*), -nd (*-nt*), -nu (номаълум), -naх, *and-i*² каби қўшимчаларнинг *xw-*, *yw-*, *x'-*, *w'-*, *m'-*, *y'-*, *w-*, *mw-*, *w-*, *m-* каби ўзақ олмошлариға қўшилишидан шаклланади. /x-/; /w-/ бош келишиқ вазифасида; /y-/; /m-/ тушумдан ташқари барча келишиқларда қўланади. /x-/ ва /w-/ бирлик, бош келишиқ, мзк.ж.да /xāu/, /xō/- 3-шахс кишилиқ олмоши ва артикль маъноларидан ташқари хō- кўрсатиш олмоши сифатида фақат будд. матнларида кўринади, хō монувий матнларда тушум келишиги, бирлик мзк. ва мнс.ж. маноларида ишлатилган (GMS § 1405). Суғда, *ZK*, *'yw*, *yw*; мон. ва хр. *xw* шаклларида; /xōnaх/- суғда, *γwn*(*'y*); мон. *xwnx*, *hwnx*; будд. матнларда бош келишиқда бирлик ва кўплиқ вазибаларини бажаради (GMS § 1410); /xōne/ суғда, *γwn'kw*; мон. *xwnu(y)*; хр. *xwnu*, бу олмош бош келишиқ, бирлик мзк.ж.да ва «Монувий хатларда бош келишиқ бирлик мнс.ж. бўлиб келган GMS § 1413, бошқа мон. матнларда тушум келишиги бирлик ва кўплиқ, тегишлиқ келишиги бирликда келади (GMS § 1413-1414); /xā/- мнс.ж. - суғда, *ZKh*, *yh*; мон. ва хр. *x'* шаклларида кўрсатиш олмоши сифатида фақат будд. матнларда учрайди; /xāna/- кўрсатиш олмоши фақат мон. *x'n'* шаклида: *PZY ms γwny ZKZY βus βwt* - «Ва яна у ким душман бўлса» (SCE 272). Бош ва тушумдан ташқари келишиқларнинг мзк. ва мнс.ж.ларида қўлаган /xīw/- кўрсатиш олмоши: суғда, *yūδ*; мон. ва хр. *xūδ* ва *xūd* шаклларида келган: *'yūxсу xūd qt mn'psy 'ystq'* - «Бу худди ўша, қайсики менинг ортимдан келаётган» (ST 1 59, 18)каби.

/w-/ негизи асосида бирлик сондаги кўрсатиш олмошлари: /wīw/- тушум келишиги, мзк. ва мнс.ж. ларда амал қилган: суғда, *wuδ*; мон. ва хр. *wuδ* ва *wūd* шаклларида: *rtu pyst tym kw t'β'k s'r wuδ pwt'kw 'yus'mk'm* - «Ва мен яна оқибатда сенга шу хатни жўнатаман, сен ўзинг уни кўришинг керак» (1. 1,8-9); /awu/-, /wu/- тушум келишиги мзк.ж.да: суғда, *ZK(h)*; мон. (*'*)*wu* / *'awu*/, шу олмош мон. матнларида кўплиқда ҳам /GMS § 1425/ келган; /wu/- олмоши мон. матнлари тушум келишигида бирлик, мнс.ж. /GMS § 1427-1428/ ва бош келишиқ бирлик, мзк.ж. /GMS § 1429/ ларда учрайди: *ZYšy ZK py-šn'm'k c'tth ZKwh wy 'ws δywth* - «Лақаби Чата бўлган, шу Вйуснинг қизи» (Nov. 3.14-15); /ō/- кўрсатиш олмош тушум келишиги мзк.ж. бирлик будда матнларида кўплиқда ҳам /GMS § 1430/. Фақат асл суғда матнларида *'w* шаклида (VI. 31b, 794,56). /wa/ мнс.ж. тушумда *w'* шаклида: /wana/ - *w'n'*(*kh*) шакли мон. матнларда қўлланган: *w' ny'tc gw'xšn'* - *γδmn* - «Шу жаннатнинг баридир». (M 178. 1v.2-3); /ōnu/- мзк.ж. ва муаннас жинслардан ташқари муханнас

¹ Исоқов М. Унигилган подполиқдан хатлар.-Т.: Мерос.-1992, 34-35 б.

² Основы иранского языкознания. Среднеиранские языки.-М.: Наука, 1981.-С.457.

(ўрта) жинс учун ишлатилган. Бу қадимий эроний холис жинсининг қолдиги бўлиб, суғд тилида реал маънога эга эмас, бош-тушум келишик билан келган: суғд. 'wn'kw, 'wn('w; мон. 'wnw: 'PZYms 'zw 'kδry 'wn'kw w'β'm 'štn - «Ва яна мен ҳозир ўша гашимни айтиб турибман» (M 399, 13); тушум - жўналиши келишининг бирлик мзк.ж. /awē/, /wē/- кўрсатиш олмоши - суғд. ZKy, 'wy; мон. wy(y) шаклларида; /awēn/ - суғд. ZKn, 'wup шаклида; /wenē/ - мон. wпуу, wпуу, мзк.ж. кўпликда, хр. билвосита келишиклариди wпу ва wпу шаклида келган: rтy ZKn βyу ZY ZKn муδ'г nβ'nty L' pr'yδ'nk'm L' np'kh L' wn'kh L' 'pty kwn'm - «Ва жаноб сенинг иштирокида ва (маъбуд) Митранинг иштирокида (ваъда) бераман, мен (уни) сотмайман, на қарз бадалига чўри, на асира (?), на хомийлик остига берувчи қилмаган» (Nov. 4, г. 10-12). ZKn - кўрсатиш олмошидан кўра артикл сифатида намоён бўлган. /ə-wya/, /wyā/- уч хил келишик вазифасида, мнс.ж. бўлиб келган: суғд. ZKwyh, 'wyh; мон. ва хр. wy': rty my KZNN 'yδ'kw βwy ZY 'wyh 'prtmy ZKw pwt'y'kh βyt'n - «Менинг шу майли хоҳишим рўёбга чиққай ва мен Будда даражасига эга бўлгайман» (VJ 990-991); /w-/ ўзакли ўрни - пайт келишигидаги /wyāwand/ ва /wyāwandyā/ олмошлари - суғд. wy'wnt ва wy'wnty' шаклида, иккала жинсда учрайди. Бу ҳам суғд тилида жинс категориясининг ўлиб бораётганидан ишора.¹

/x-/ ва /w-/ ўзакли кўрсатиш олмошларининг кўпликда бош келишик мзк. ва мнс.ж.ларда фарқланмайди: /xa/ - суғд. ZKh, 'h; мон. ва хр. x'nt; /wēsan/ - моний wysn; /wēsand/ - мон. wysand, хр. wysnt шаклида: rty 'YK 'wδ pr'y's'nt kw ZKh pyδt 'skwynt - «Қачон у ёқдан улар келишганда филлар жойида эди» (VJ. 11b-12b); тушум келишигида /wā/ мон. w' шаклидагина учради: w' twc prwstyy wβуу - «Ўша кун улар айландилар» (M П. 6).

Кўплик соннинг билвосита келишик, ҳар икки жинс шакли /a/- wešan(u)/ - суғд. ZKyšpw, wysn(wh), ZKyXMw; /wešandi/- мон. wy-šndy ва w'ndt шаклларида учрайди.

/x-/ /w-/ - ўзакли кўрсатиш олмошлари «ўша, анови» маноларида «узоқликни» ифодаласа, /y-/ /m-/ жуфтлиги «шу, ушбу» маъноларида «яқинликни» ифодалайди.

/y-/ /m-/ - жуфтлигидаги кўрсатиш олмошлари: /yu/- бош келишик, бирлик, мзк.ж. /GMS § 1494/, контекста /yu/ артикл ҳам бўлиб келади: суғд. ZKH, yw шаклларида; /yōne/ - суғд. ywn'k, ywn'y, ywnу; мон. ywnуу ва /yāna/ - суғд. ywn'k, ywn'y, ywnу; мон. ywnуу ва /yāna/ - суғд. y'n'kh, мон. ва хр. y'n' шаклларида келган: rтyms ywnу ZKZY pтm ywn'k "zwn myšpw mts'ym'tt ZKw m'n 'wst... š't 't pтywn'tk βwt - «Ва агар шунгача улар, авлодлари мавжуд одамларнинг фикрини шунда йўлласа... (келажақда) бой ва бахтли бўлади» (SGE 278).

/m-/ ўзакли бирлик, кўрсатиш олмошлари: /mu/, /mu/ тушум келишик, мзк.ж. суғд ва будд. 'mw /GMS § 1466/, /mōnu/ тушум келишиги бирлик, мзк. ва мнс.ж.ларда /GMS § 1467/, хр.бош келишик бирликда /GMS § 1468/ келган: mwnw cw tпn' 'cy ky ZY 'šm'w prδ'skwn - «Бу

қандай қути, сиз (ҳозир) олиб кетаётганингиз?» (Т1 г.22-23) каби. Тушум келишиги мнс.ж. ифодаси /am/ олмоши - муғ. 'mh шаклида; /māna/ - мнс.ж. суғд m'n'kh, мон. ва хр. m'n' шаклида учрайди. -h муаннас жинсини англатади: rтpy štkδ 'wtkyn w'n'kw m'n β'ty ZY 'mh ctth wδwh L' δ'r'tk'm p'r ZY šn w'c'tk'm - «Ва кейинчалик агар Уттегин шундай қарор қилса, бу Чатани хотин (хотин) деб билмаса, у қолда уни қўйиб юборсин» (Nov.3 г.22-24); тушум келишиги ҳар икки жинсда келган /amīv/ ёки /mīv/ фақат муғ ҳужжатларида муδ шаклида учрайди: ZY 'šwmβntk δnn pδ'myδ nym'kw 'sk's'k mwt'kw 'wstynt ' 'šywn kwn'nt - «Ва Хушумвандак ўз уруғ - аймоғи билан шу асксок ерда мурдаларини қўйиб азасини тутсин» (B 8 г. 13-16); /amē/, /mē/ жўналиш-қаратқич келишиги, мзк.ж. бирликда: суғд. 'm'y; /amyn/ - 'myn шаклида учрайди: rty 'yw wn'kw 'yδ'w ywyz 'PZY 'my ZKwh ywt'ynh 'wy kδ'g'y 'z'wnt z't'kw β'ty - «Ва шундай орузимни топай, шу маликанинг бўйидаги гўдак ўғил бўла қолсин» (VJ. 18-19). /amyā/, /myā/ - ўрин-пайт келишигида мнс.ж.ни ифодалаб асл суғд. (')my' шакли келган.

/y-/ /m-/ ўзақ жуфтлигининг кўплик ифодаси: /yu/ бевосита келишик, иккала жинсда, мон. yw; /yand/ - суғд. y'ntt; мон. y'nt, y'ntt шаклларида; /mēsand/ - бевосита келишик, иккала жинсда мон. myšnd; хр. myšnt, mšnt; /mānd/ - тушум келишиги иккала жинсда: суғд. m'nt; хр. m'nt; /mēsān(u)/ - билвосита келишикда иккала жинсда - мон. myšndy, хр. myšndy; /amyāmande/ - суғд. 'my'mnty шаклида: rty 'my'mnty mrt'ym'k prw ywn'nty δwky ZK zβ'k prw z'yh 'npt - «Мана шундай одамлар бу дунёга тиллари узулиб ерга тушади» (SCE 549-550) каби. Юқоридаги кўрсатиш олмошларидан ташқари: мон. 'упу; хр. 'упу /lne/- «мана шу» /GMS § 1499/; будд., мон. 'yδ, хр. yd - «мана шу» /GMS § 1500/ кабилар ҳам учрайди.

Қадимги эроний олд қўшимчалардан келиб чиққан суғд префиксли олмошлари: 1) /či/ < эр. *haša дан; 2) /ki-/ < *ku дан; 3) /paṛi-/ < *paṛidan; 4) /ši-/ < *hada дан; 5) /ni-/ < эр. ana ёки anu - дан /GMS § 1432, 1449-1451, 1453-1457, 1460-1465, 1470, 1482-1490, 1496/.

/či/ - восита ва чиқиш муносабатларини ифодалашда - /čiwənd/ - суғд. cyw'nt; мон. cywnd; хр. cywnt; /čimənd/ - суғд. cym'nt; хр. cymnt; /čiwiw/ - суғд. cyw'yδ, cywyδ; мон. cywyuδδ, cywyδ(δ); хр. cywyd; /cimīw/ - суғд. cym'yδ; мон. cymuδδ; хр. cymu; /ciw/ - суғд. cytūδ; /ciw/ - хр. cyw каби таснифланади.

/ki-/ - сўзловчи нутқи қаратилган манзилни англатади ва вақт чегарасини кўрсатади: /kiwənd/, /kiwind/ - хр. qywn't, qwynt; /kimənd/ - суғд. kym'nt; /kiwiw/ - суғд. kumyδ шаклларида учрайди.

